



Ислом Нури

Муаллифа: Хавла Дарвиш

Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

Islom Ummati – o‘z o‘g‘illari va qizlari, Islom bayrog‘ini chegaralashga dunyoga joylashish, kofir va zolim xalqlarning tajovuzlarini parchalab tashash uchun tayyorlash qurilish avlodlari bilan mavjuddir. Avlodlarni tarbiyalashni amalga oshirish, o‘limdan keyingi xayot uchun kolidirilgan davolash. Shuning uchun ham, avlodlarni tarbiyalash kilish, saroylar va uylarni loy va toshlardan kurish uchun berilgandan keyin ko‘rgazma ko‘prok e‘lon va tashvikka loyiqdir.

Тарбия бериш факат оиланинггина вазифаси эмас. Балки авлодларни тарбия килишда бошка омиллар хам бордир.

Биз куйида муслима аёлнинг солих авлодлар етиштиришдаги вазифаси хакида сўз юритамиз. Чунки, калбини иймон хаяжонлари камраган, Аллох ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга бўлган мухаббат билан зийнатлаган хар бир муслима аёл, ўз фарзанди-жигар порасининг залолат биёбонидан узокда, хар онида Аллохнинг нигохини унутмайдиган: аждодларининг зафарларини кайтарадиган кахрамон, диний илмларда етук олим ва дунё ишларини кулайлаштирадиган ихтирочи бўлиб етишишини орзу килади.

Хар бир муслима аёл, ўз хаёти давомида Аллохнинг амрларига итоат килган, килаётган барча ишида Аллохнинг ажру савобларини мақсад килган, кўйингки, Ислом билан ва Ислом учун яшайдиган инсонлар бўлиб тарбияланган фарзандлари бўлишини умид килади.



Ислом Нури

Бирок, бу умидлар (баъзида) хаёл бўлиб қолади ва аёллар: «Оналик факатгина фарзандни дунёга келтиришдангина иборатдир!» – деб ўйлайдилар-да, ўзларининг хаётдаги вазифаларини инкубатордан фаркли эканлигини унутдилар! Ёки она ўз вазифасини гўё семиртириш учун ҳаракат қилаётган чорвадорлар каби, фарзандларининг қоринларини тўйдиришгинадир, деб тушунмаслиги керак.

Бундан ташқари, у, хоҳлаган барча яхши ва ёмон нарсаларни чўнтагидаги маблаглари ва қалбидаги қиймат ва ҳиссиётларини сарф этиб мухайё қилган, эркалаб талтайтирган, ортиқча меҳр берган, натижада, фарзандлари унинг бойликларини бутунлай тугатган, олий гоёлар ва гўзал ахлоқларни парчалаган ва Аллоҳ таъоло боғлашга амр этган алоқаларни тикламаган фарзандларнинг оналарига ҳам ўхшамаслиги керак!

Эркалатган она – адашиш зарбаларини илк қабул қиладиган шахсдир. Зарбаларнинг энг шафқатсизи эса, фарзандининг ўзига оқ бўлишида гавдаланади. Шунинг учун ҳам биз, оналарнинг фарзандларига беришлари муҳим бўлган баъзи нарсаларни баён қилмоқчимиз.

БИРИНЧИ: Аллоҳ таъолонинг ўзигагина ихлос қилиш.

Она, аввало, Аллоҳ таъолонинг ўзигагина ихлос қилиши керак. Аллоҳ таъоло деди:

«Улар Аллоҳга динни ханиф (ботил диндан ҳақ динга ўтган) ҳолларида холис қилиб ибодат қилиш, намозни тўқис адо этиш ва закотни беришга амр этилдилар. Шугина – мустаҳкам диндир» (Баййина: 5).



Ислом Нури

Мўъмина синглим, фарзандлар тарбияси йўлида чекаётган давомий бедорлик, тўғри йўлга йўллаш, дарсларини назорат қилиш ва уй ишларини бажаришда Аллохнинг савобини умид қилинг! Чунки, Аллохгина заррача нарсага бепарво бўлмайдиган зотдир. Ахир Аллох таъоло: «Гарчи хардал уругининг огирлигича (амал) бўлса, Биз уни олиб келамиз ва Биз ҳисоб қилишга қифоямиз!» (Анбиё: 48)-демадимми? Сиз: «Энди дам олиш пайти келмадимми?»- деб айтаётган шайтоннинг салтанатига бўйин эгманг! Чунки, муваккат роҳат ва хузур - жаннат ва жаннат неъматларини мақсад қилган инсон учун гоё бўла олмайди.

Муслима аёл, агар уни гўзал бажарса савоб оладиган вазифа соҳибасидир. Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам аёл кишини икки ҳислат билан мадҳ этдилар: «Туяга минган аёлларнинг энг яхшиси - Қурайш аёлларидир: улар аёлларнинг болаларига ёшлигида энг меҳрибони ва эрларининг кўлидаги мулкига қаноатлиларидир» (Муттафақун алайх, Имом Бухорий ривояти, ҳадис № 5082; Имом Муслим ривояти, ҳадис № 2527).

ИККИНЧИ: Билим.

Муслима аёл, ҳалол ва ҳаром нима эканини билганидан сўнг, тарбия усулларини ўрганиши ва ўз билимларини чуқурлаштириши керак. Аллох таъоло деди: ««Роббим, менга билимни зиёда қил!»- деб айтинг!» (То-ха: 114).

Бизнинг бу динимиз, билим олишга чакиради. «Ислом хотин-қизларнинг таълим олишларига қаршидир ва хотин-қизлар ўртасида жаҳолатни ёяди»- деб айтилиши учун нега биз Ислом устига фикрлашимиз қусурлиги ва ўрганишдан орқада қолганимизни



Ислом Нури

юклаймиз?! Зеро, исломий тарихимиз муфассира, мухаддиса, факиха, шоира ва адиба муслималар билан музайяндир! Уларнинг барчаси Ислом хидояти соясида мазкур мартабаларга эришдилар.

Бас, билимга эришиш номи остида ўғил ва киз болалар ўртасида аралашиб бўлмасин! Билим – нурлари хақиқат йўлини билмаган кимсаларнинг кўзларини камаштирадиган, янгилашиш ва мадданият номлари билан жарликка улоктираётган оқимлар ортидан кетиш ва уларга тушиб қолиш олдида калкондир. Фикх ва даъват услублари жихатидан хотин-кизларга лозим бўлган билим – Куръон ва суннат китобларида кенг баён этилгандир. Хотин-кизлар ўз хаётларида мухтож бўлишадиган билимни олиш даргохлари факатгина мактаб-мадрасаларгина эмас, балки бундан ташқари масжидлар, хонадонлар, кўшнилари ва турли зиёратлар хамдир... Холбуки, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам шундай деганлар: «Одамларга нима бўлди, на кўшниларига фикх ўргатаяптилар, на таълим бераяптилар, на ваъз килаяптилар ва на тушунтираяптилар?! Одамларга нима бўлди, кўшниларида на таълим олаяптилар, на фикх ўрганяптилар ва на ваъз олаяптилар?! Аллох номига онт ичиб айтаманки, одамлар ё кўшниларига таълим берадилар, фикхни ўргатадилар, ваъз киладилар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадилар, ёхуд одамлар кўшниларида ўрганадилар ва ваъзларни оладилар ёки уларга жазони тезлаштираман» (Табароний, «ал-Кабир»).

Хотин-кизлар, келинлар, имкониятимиз борича барча илмлардан сипқориб, уйимиздаги кутубхонадан ўзимизга бир улушни килайликки, иншааллох, бунинг ажру-савоби бор!

УЧИНЧИ: Масъулиятни хис этиш.



Ислом Нури

Фарзандларини тарбия килар экан, хар бир она масъулиятни хис этиши, болаларини тўғри йўлга йўллашда сустлик, ялковлик ва эътиборсизлик килмаслиги керак. Аллох таъоло деди: «Эй мўъминлар, ўзингиз ва оилангизни ёнилгиси одамлар ва тошлар бўлган жаханнамдан сакланглар!» (Тахрим: 6). Бас, ўзимиз ва оиламизни жаханнамга олиб борадиган нарсалардан саклайлик! Чунки, хисоб-китоб огир, у куннинг дахшатлари буюкдир. Жаханнам эса: «Яна борми?!»- деб хайкиради. Биз, Умар разияллоху анху: «Хисоб беришдан аввал ўзингизни хисоб-китоб килингиз, амалларингизни тортилишидан аввал тортингиз, буюк намоиш учун тайёрланингиз!»- деб айтганларидек бўлайлик.

Онанинг фарзандига таомларини пишириш ва кийимларини ювишининг ўзигина фарзандимни тарбия килдим дейишига кифоя килмайди. Балки, фарзандни соғлом эътикод, соф тавхид, тўқис ибодат, мутаносиб ахлоқ ва фойдали билим асосида тарбия килиш керак. Она ўзига: «Фарзандларим учун канча вақт ажрата олдим? Уларга канчалар меҳр кўрсатдим ва кандай йўлларга йўлламоқдаман?»- деб саволлар берсин! Унутмайлик-ки, онанинг ўзи намуна бўлмас экан, насихатлар ҳеч ҳам фойда бермайди. Шунинг учун ҳам, она ўзи килмас экан, бирон бир ишга болани таклиф килмаслиги лозим. Ахир онасидан тинимсиз ҳақоратларни эшитган фарзанднинг тили кандай «ширин» бўлсин! Ёки бозорларга бориш, телефонларда ёки зиёратларда узок-узок беҳуда суҳбатлашган она ўз фарзандидан вақтни кадрлашни кандай талаб килиши мумкин! Кандай ...! Ва кандай ...!

Мўъмина синлим, фарзандингиз кўлингиздаги омонатингиздир. Унга эътибор беринг ва масъулиятингизни хис килинг! Сиз бир вазифа соҳибасисиз ва ундан тез кунда хисоб берасиз! Аллох таъоло деди: «Эй



Ислом Нури

мўъминлар, сизлар ўзларингизни ва ахли-оилаларингизни дўзахдан саклангизки, унинг ўтини одамлар ва тошлардир, у (дўзах)нинг устида каттикдил ва каттиккўл, Аллох ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик килмайдиган, (факат) ўзларига буюрилган нарсани киладиган фаришталар турур» (Тахрим: 6).

Хўш, бола тарбияси қачон бошланади?

Бола ёмонликни таниб, ундан сакланиш ва ўзида кўринишини хис этган пайтдан бошланади. Бу – боланинг тарбия ва одоб олишга лаёқатли бўлганини ифодалайди. Шунинг учун ҳам, унга эътибор беришимиз ва ноўрин ҳаракатлар содир бўлганда бериладиган йўлланмаларни муболагасиз қилишимиз лозим. Йўкса, йўллашимиз ўз қийматини йўкотади. Мураббия ўзининг ҳар бир ҳаракати ва сўзларида Роббисини унутмаслиги, хикмат ва чиройли ўғитлардан узоклашиб қолмаслиги учун ўзини тафтиш қилиши, фарзанди босиб ўтаётган босқичдаги ўсиш хусусиятларини риоя қилиши керак. Тарбиядаги ҳатоликлар фарзандларимизни келажақда гоёлар биёбонида қўнғил очиш ва пасткашлик, гулув ва сустлик ўртасида дарбадар қилмаслиги учун, она ўспирин фарзандига кичик болалардек муомала қилмасин. Холбуки, бу дарбадарлик – Ислом таълимотига асосланган тўғри тарбиядан узок бўлиш натижасидир. Шунинг учун ҳам, биз, онанинг ўз фарзандини қайси тарафга ва қандай йўллаши ҳамда йўллаш учун қайси йўл афзал эканини билиши учун тарбия ҳақидаги билимларини қучайтиришини таъкидламоқдамиз.

ТЎРТИНЧИ: ота ва она ўзаро бир-бирларини тушунишлари керак.

Агар улардан бири хато қилса, иккинчиси бу хатодан кўз юмиши, хусусан, болаларнинг безовталаниши ва ота-оналарининг



Ислом Нури

насихатларини қабул қилмасликка олиб бормаслиги учун, жанжал ва хусуматдан узоқда бир-бирларига ҳамкор ва ёрдамчи бўлишлари керак.

БЕШИНЧИ: хонадонда диндорлик руҳини ёйиш.

Диндор оилада ўсган бола, вужудига ёйилган рухий муҳит ва оила аъзолари ўртасидаги гўзал тарз билан таъсирланади. Агар диний ва ахлокий туйғуларнинг асослари болалик чоғида қўйилар экан, улгайгани сайин бўйдоқлик ва йигитлик даврларида ҳам давом этади. Агар оила иймон тарбиясида сустлик қилар экан, фарзандлар ҳиссиёт ва туйғуларини қондирадиган фалсафалар сари йўналадилар. Демак, аввало болаларнинг қалбига диний руҳ уруғларини экиш керак. Ундан кейин эса, болаларга улар ўзларига муносиб яхши дўстларни танлашда ҳамда ёмон дўстлардан ҳимоя қилишда ёрдамчи бўладиган яхши қўшнилари ва яхши мактаб-мадрасалардан иборат муносиб муҳитни яратиш беришимиз керак.

ОЛТИНЧИ: фарзанд учун бад дуо эмас, ҳидоятда бўлишини сўраб дуо қилиш.

Жобир разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «ўзингизнинг зарарингизга дуо қилмангиз, фарзандларингиз зарарига дуо қилмангиз, хизматкорларингиз зарарига дуо қилмангиз ва мол-мулкнинг зарарига дуо қилмангиз! Аллоҳ таолодан яхшилик сўралса берадиган лаҳзага тўғри келиб қолманглар Аллоҳ сизларнинг (бад) дуоларингизни қабул қилиб қўйса!» – дедилар» (Имом Муслим, Китабуз-зуҳд вар-рақоик, ҳадис № 3014).

Гояси Аллоҳнинг розилиги ва Унинг савобига эришиш бўлиши учун



Ислом Нури

аввалда ҳам, охирда ҳам боланинг калбини Аллохга боглаш керак. Аллох таъоло деди: «Бас, ким мўъмин бўлган холида яхши амаллардан килса, унинг саъй- харакатлари зое бўлмас» (Анбиё: 94). Оналар бу алокани чиройли намуна, доноларча назорат, гўзал йўлланма ва эзгуликка ёрдамчи бўлган мухитни яратиш билан ёйишлари мумкин. Токи йигит ва киз катта бўлганда ўзини ўзи доимо тергаб турсин, хато килиб кўйса тавба килсин, пасткашликлардан узок бўлсин-да, нафси поклансин ва нафсини мустахкам эътикод, хушуъга бой ибодат, баркарор рухият, эркин онгли фикрлаш ва кучли бадан сохиби бўлган, хидоятдаги бандалар нафсининг каторига етиштирсин. Натижада, ёш йигит ва киз Ислом билан ва Ислом учун яшайди, мусибатлар огирлигини хис этмайди, аччик нарасларни тотли деб билади ва Аллох таъоло шариатида сабот билан турган кимсалар учун тайёрлаб кўйган неъматларга интилиб, дунёнинг жозибаларидан юз ўгиради: «Албатта: «Парвардигоримиз Аллохдир», деб, сўнгра (Ёлгиз Аллохга тоат-ибодат килишда) тўгри-устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, (дерлар): «Кўркманглар ва гамгин бўлманглар. Сизларга ваъда килинган жаннат (хушхабари) билан шодланинглар!» (Фуссилат: 30).

... У - иболи, назокатли ва сокин киз эди. 7 синфга кўчганидан сўнг унда баъзи ўзгаришлар кўрина бошлади...

Отаси уни сочининг бир кисмини яшил рангга бўялган холатда кўрди-да, хайратланиб рафикасидан бу хакида сўради. Рафикаси: «Нима килибди? Мактабда муаллимаси шундай килади, сочининг бир тутамини кийган кўйлагининг рангига мос рангда бўяйди», деб жавоб берди. Эр газаб отига минди ва бугундан бошлаб киз зотини мактабда ўқитмайман, деб онт ичди!



Ислом Нури

Эй рашкчи ота, хукм бироз шошмай туринг! Калбларнинг хаёти ва рухларнинг лаззатланиши илм биландир, дин хам у билан ўрганилади ва шубхалар устидаги пардалар кўтарилади. Дархакикат, динимиз Ислом – билим динидир. Мўъминларнинг онаси Оиша разияллоху анхо бунинг яккол далилларидан. У зот пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг муборак хонадонларида яшар эканлар кўплаб хадисларни ёд олиб, уларни ривоят қилганлар. Уммахотул мўъмининларнинг барчалари Оиша онамиз каби эдилар, Аллох уларнинг барчасидан рози бўлсин. Чунки, улар Ислом чакирикига лаббай деган эдилар. Шифо разияллоху анхо деди: «Мен Хафса разияллоху анхонинг хузурида эдим, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам кириб келдилар ва менга: «Бунга имлони ўрганганингдек чумолидан сакланиш дуосини хам ўргатмайсанми?!»- дедилар (Абу Довуд, хадис № 3887, Имом Ахмад, хадис № 26555. Хоким бу хадисни «сахих-соғлом» хадисдир, деди).

Илм излаш – эркак ва хотин кишилар учун баб-баравар шаръий талабдир. Нега биз кенг майдонни торайтириб, ёмон ўрнак бўлаётган муаллималарнинг гунохларини ёш авлодларга юклаймиз?!

Биз чиройли намунага ва соғлом шаръий таълимотларни ёйишга мухтожмиз!

Кизларга таълим бериш эътиборсиз ташлаб қўйилмаслиги керак. Ахир: «Бир эркакка таълим бериш бир шахсга таълим бериш, бир аёлга таълим бериш бутун бир оилага таълим беришдир», дейилган-ку! Кизларга таълим бериш ва солих авлод қилиб етиштириш, кўплаб мусулмон ўлкаларда Умматимизни тараккиётдан тўсиб қўяётган катта жарликни йўкота олади. Балки, динимизда билимни севиш ва билим олишга ташвиқ қилиш қай



Ислом Нури

даражага эканини динимиз – Ислом, жахолат пардалари йиртилиши ва онгли билим хукмрон бўлиши учун Уммат аёлларидан чўриларга ҳам таълим беришга чакирди.

Имом Бухорий раҳимахуллох расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг куйидаги сўзларини ривоят килди: «Олдида чўриси бўлган ва шу чўрисига таълим берган, берганда ҳам чиройли таълим берган, одоб берган, берганда ҳам чиройли одоб берган, сўнгра озод килиб, унга уйланган одамга икки савоб бордир» (Имом Бухорий, Китобул-илм: 97).

Таълим-тарбияда шундай шаръий асослар риоя килинсагина юкоридаги самараларни олиш мумкин. Шунинг учун ҳам, душманларимиз илмнинг ахамиятини билдилар ва унга шошилдилар. Бирок, секуляризм-илмонийя асосида. Улар муаллиманинг ўқувчиларга бера оладиган таъсирни ўрганиб, шу (йигирманчи) асрнинг бошидан уни ва унинг воситасида бутун авлодларни бузишга харакат бошладилар. Афсуски, секуляр ва дахрий окимга мансуб одамлар соғлом эътикод сохибларига нисбатан илдам одимлар отдилар: уларнинг хотин-кизлари Ислом Оламида авлодларни адашган ва адаштирадиган гоёлар асосида тарбиялаб фасод ва бузгунчиликларни ёйдилар. Улар таъсис этган хотин-кизлар жамиятларининг кизларимизни хидоят ва тўғрилиқ йўлидан буришда катта роллари бўлди. Демак, бизнинг тутган мавкеимиз факатгина танкид ва айблаш бўлмай, балки, кизларимизни соғлом тарбия билан химоя килишимиз керак. Бу эса, ўз жинслари ичида кизларга фойдали таълим бериш ва жиддий даъват услублари билан амалга ошади. Шунинг учун ҳам, фарз бўлган шаръий илмларни ўргатиш билан бирга, хотин-кизларни, аёллигини инобатга олиб, ўз вазифаларига муносиб шаклда тайёрлаш керак. Хотин-кизлар бу вазифани мукаммал



Ислом Нури

бажара олса, демакки, унга бой тажриба, нурли фикр ва ўткир ақл берилибди. Агар у бундан бошқа илм-фанларни ўрганса, жуда ҳам яхши! Чунки Ислом, модомики шаръий чегаралардан чикмас эканлар, хотин-кизларга ҳеч қачон қаршилиқ қилмайди.

Ўтмишда яшаб ўтган ва Исломни расулulloх соллalloху алайхи ва саллам ва саҳобалар қаби тушунган олимлар – салафнинг турмуш ўртоклари хонадонларидан ўз эҳтиёжлари ва таълим олиш учун чиқишларида одоб ва ибода ўрнатқан кўрсатдилар. Чунки, муслима аёл таълим олар экан, у билан бирга химоя қиладиган дини, эрқаклар билан аралашуш ва ҳаёсизликдан узоқ вақори ва унга ҳайбат қийимини қийдирган ибоси бор эди.

Ҳозирги кунда эса, таълим-тарбия расмий мактабларда берилмоқда. Шундай экан, муаллима фақатгина кизлар мактабидагина дарс бериши керак. Муаллима ўғил болалар мактабида дарс бермаганидек, эрқак муаллимлар ҳам кизлар мактабида дарс бермасликлари керак. Чунки, ундай қилиш Шайтоннинг ишларидандир. Холбуки, бузилган Гарб давлатларида ҳам икки жинс ўртасидаги аралаш таълим низомидан воз кечиш ва икки жинснинг аралашушига қарши бўлган соғлом фитрат-хилқатга қайтиш ниқолари келмоқда! Олиб борилган узоқ тажрибалар ўғил ва киз болалар, улардаги жисмоний ва ақлий ўсишдаги айричалиққа кўра, фарқли муомала-муносабатга муҳтож эканликлари ҳамда ўғил ва кизларга зарур бўлган предметлардан дарс берилишига қарамай, аралашуш башарият уяладиган натижаларга олиб боришини очик кўрсатди.

Кизлар учун тайёрланган дарс дастури, уларнинг ёшларига муносиб бўлсин. Токи бу дастур уларни келжакда қутаётган – уй беқалиги, рафикалик ва оналик қаби вазиқаларни тўғри шаклда адо эта



Ислом Нури

олсинлар. Бундай дастур кизни ўзи ва оиласи учун самарали хаётга хозирлаб, хатолардан узок килиб, у ва дугоналарини солих авлодларни етиштириш учун эзгуликларга чакирувчи, даъватчи килиб кўяди. У пайт сиз унинг бойликларни тўплаш ва бўш вақтларини беҳуда ўтказиш билан эмас, балки янги авлодни тарбия килишини кўриш билан қувонасиз!

Мусулмон авлодларни етиштирадиган муаллима Ислом кайгуси билан юрадиган, мусулмон авлодларга таълим бериш ва маданиятни ўргатиш, кизларни келгуси хаётларида фойдали бўлган билимлар билан озиклантириш, зехнларни фойдасиз нарсалардан куткариш йўлида ижобий кадамлар ташлайди. Бундай муаллима кизларимизни эгри йўллар ва дахрийлик кучогидан куткарадиган халоскордирлар. У кизларга ўз сулуки ва сўзлари билан таълим беради: уларнинг шахсиятини ўстиради, ақлларини кайрайди, ўзгармас хакикати билан илмий хакикатларни нақл қилади. Ўзгармас хакикат – авлодларнинг муваффақияти ва юксалиши илмларни ёд олиши билангина эмас, балки тушуниб, хаётга татбиқ қилган нарсалари биландир. Бундан ташқари, ўрганиш мақсад ёки гоё эмасдир. Хақиқий муваффақиятга эришган одам – охиратда муваффақиятга эришган, мўмин бўла туриб охират учун тер тўккан одамдир.

Бундан ташқари биз, авлодларимизнинг бепарволик қурбони бўлишларини хохламаймиз. Биз она муаллимага биринчи вазифаси – солиха рафика ва фарзандларини чиройли тарбия қиладиган мураббия, она бўлиш эканини, кейингина бошқаларнинг фарзандларини тарбия қилишини ва фарзи айн фарзи қифоядан устун эканини унутмаслик кераклигини таъкидламоқчимиз.

Қадимги уламоларимиз мусулмон муаллимнинг ўқувчилари билан



кандай муомала килиш кераклигини белгилаб, бу белгиларга риоя килиш одобларининг афзалларини зикр килдилар. Шу одоблардан: